

# ЛЕНИН ЗИЁСИДАН НУРАФШОН ЎЛКА



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

## ЯАР Президенти Москвага келди



# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1978 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 233 (19.009) ● Чоршанба, 10 октябрь 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

БАРДЫК ӨЛКӨЛӨРДҮН ПРОЛЕТАРЛАРЫ, БИРИККИЛЕ!



# СОВЕТТИК ҚЫРҒЫЗСТАН

Кыргызстан Коммунистик партиясынын Борбордук Комитетинин, Кыргыз ССР Жогорку Советинин жана Министрлер Советинин органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА «СОВЕТТИК ҚЫРҒЫЗСТАН» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА СОНИ

## ЯГОНА ОИЛАДА

Олтин куз фаслининг шу муаззам кунларида бутун мамлакат катта байрамларини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўймоқда. Ўрта Осиёдаги Совет Социалистик Республикалари ва Компартияларининг олтинчи йиллик юбилейи нишонланмоқда. Байрам тантаналарининг биринчи бўлиб бошлаш шарафига Қирғизистон ССРга насиб этди. Яна бир неча кундан кейин қардош ва қондош республиканинг юбилейи тантаналари бошланади. Зотан, 1924 йил 14 октябрь кунин РСФСР тарихида қардош автоном область сифатида ташкил этилиб, қирғизлар тарихида илк бор давлат сифатида шаклланди эди. Шу кун тенглар ичида тенги бўлган 15 қардош республиканинг ардоқли фарзанди Қирғизистон ССР ва Қирғизистон Коммунистик партияси тарихининг бошланғичига асос солади.

Ўтган 60 йил тарих нуқтан назардан олганда ихлоқни бир лаҳзадек туюлади. Ленин шу давр мобайнида буюк Октябрь, улуғ Ленин, шонли Коммунистик партиянинг раҳнамолигида амалга оширилган ишлар ўз кўлами ва мийёси жиҳатидан неча-неча асрларга татигунади.

Ўрта Осиё халқлари қатори жафокаш қирғиз халқи ҳам ўз таъдирин буюк Россиянинг тараққиётпарвар кучлари таъдир билан боғлаб, янгиликларни Рус халқининг асл фарзандлари П. П. Семёнов-Тян-Шанский, Н. М. Пржевальский, Н. А. Северцов, И. В. Мушкетов, А. П. Федченко, Г. Д. Романовский, Н. А. Краснов тоғ ўлкасининг асрлар бўйи ер қаърида яшириниб ётган бойликларини меҳнаткаш инсон манфаатларига бўйсундириш йўлида жонбошлик кўрсатдилар.

Ўрта Осиёдаги барча қардош, қондош халқлар қатори қирғиз ва ўзбек халқларининг таъдир азалдан бир-бирига ўхшаш, эгизак бўлган. Дастлабки социал-демократик ташкилотлар биринчи рус революциясининг таъсири натижасида ҳар икки республика территориясида янги бир пайтда вужудга келиб, меҳнаткаш халқни озодликка чиқариш йўлида илк режаларни тузганлар. Нева тонгидан нур эмган ҳар икки халқ ҳам Улуғ Октябрь революциясининг зур иштиёқи ва олам-олам орау-умидлар билан кутиб олди. Ўлкада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиш учун мард курашчиларнинг олдинги сафида борди. Шуниси характерлики, ҳар икки халқнинг тарихи, маданият ёдгорликлари, адабиёти, санъати ўзаро ҳамохандир. Машҳур «Манас» қаҳрамонлиқ эпосининг гуманистик ғоялари ўзбекларнинг «Алпомиш» достони билан бир хил оҳангда янграйди. Тўхтагул Сотилгонов, Тўғалоқ Мулда, Барий Алиқуловларнинг сози инсонор Фурқат, Муқимий, Закирийнинг оташин поэзияси билан ўхшашдир. Тўхтагулнинг «Давр», «Балад кўтар байроқни» сингари оташин мисралари Хамза ва Садриддин Айнининг революцион шеърлари каби меҳнаткаш халқни янги ҳаёт учун курашга баралла қорлади.

Бир пайтлари музика фақат халқ озаки айтганларини тараққий этган бўлиб, оқинлар ва кўмузчилар ижросида халқ хужинга ҳавола этилган бўлса, эндиликда тоқ маънодаги қирғиз музика санъати шаклланиб, камол топти. А. Молдибоев, М. Абдраев, А. Тулеев, А. Омонбоев, С. Кийизбоев, К. Чодоров, М. Мустаева, М. Махмутова, А. Жумахматов, Қ. Молдабасанов ва бошқалар қирғиз опера санъатининг таниқли намоёндалари сифатида машҳурдирлар.

Маъмулан социалистик, шаклан миллий адабиётларимиз совет векелигининг чинакам меваси сифатида камол топти. Бутунги кунда халқ бадийи маданиятининг Аали Тўқомбоев, Чингиз Айтматов сингари улкан сўз усталарининг асарларисиз тасаввур этиб бўлмайдими. Чингиз Айтматов ижодида инсон характери, миллий маданият илдизлари, замондошимиз образи шу қадар маҳорат билан тасвирланганки, буни ҳатто ҳоржий элардаги ғанимларимиз ҳам тан олмасликлари мумкин эмас. Унинг асарлари мамлакатимизнинг деярли барча қардош халқлари тилларига, жаҳондаги 80 мамлакат тилига таржима қилингандир.

«Совет Қирғизистони» — кўп миллатли республика, ахил интернационал коллектив, — деган эди уртоқ К. У. Черненко республика пойтахтига Меҳнат Қизил Байроқ ордени тошйирлишига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида. — Унинг бутун тарихида мамлакатимиз халқларининг ўзаро қардошларча ердами намоён бўлмоқда. Совет республикалари Қирғизистонда социалистик ўзгаришларни амалга оширишда ёрдамлашдилар... Совет халқларининг ленинча дўстлиги — ғалабаларимизнинг битмас-туганмас манбаи, коммунистик жамият қуриш учун курашнинг қудратли тезлаткичидир».

«Совет Қирғизистони» — кўп миллатли республика, ахил интернационал коллектив, — деган эди уртоқ К. У. Черненко республика пойтахтига Меҳнат Қизил Байроқ ордени тошйирлишига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида. — Унинг бутун тарихида мамлакатимиз халқларининг ўзаро қардошларча ердами намоён бўлмоқда. Совет республикалари Қирғизистонда социалистик ўзгаришларни амалга оширишда ёрдамлашдилар... Совет халқларининг ленинча дўстлиги — ғалабаларимизнинг битмас-туганмас манбаи, коммунистик жамият қуриш учун курашнинг қудратли тезлаткичидир».

Икки қардош республиканинг қилинган ҳамкорлиги экономика ва маданиятнинг барча жаҳдларида яққол кўга ташланиб турибди. Ҳаётбахш Норин дарёси Тянь-Шаннинг осмонлар чўққилидан йўл олиб, бутун Ўрта Осиё республикаларига нур ва сув етказиб бермоқда. Бахт дарёсининг энергия қуввати шундай улканки, у 135 миллиард киловатт-соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқаришга қодирдир. Тўхтагул ГЭСи бутун мамлакатнинг ардоқли сув иншооти-га айланди. Унинг ёгинисидан 800 миң киловатт-соат қувватга эга бўлган Курпосой ГЭСи қурилиши ниятисига етказил-

ди. Тошкўмир ГЭСи қурилиши илдам суръатлар билан олиб борилмоқда. Шамоллисой ва Қамбарота нурхоналари 2,2 миллион киловатт қувват билан ишга тушириладиган куйлар узоқ эмас.

Бир пайтлари кўчманчилик асосий касби бўлган қирғиз халқи эндиликда саноати юксак тараққий этган республиканинг тўла ҳуқуқли хўжалиғига айланди. Юксалишни ўтмиш билан солиштирмасданок кейинги ўн йиллардаги ўсиш билан тақдослаганда ҳам нечоғли буюк мўъжизалар артаилаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Фрунзе номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи билан «Ташсельмаш» уртасидаги, «Ташкенткабель» корхонаси билан «Қирғизкабель» заводи ўртасида мустахкам кооперация алоқалари ўрнатилгани, уларнинг коллективлари ҳаминча бир-бирларидан ўрганиб, бир-бирларига ўргатиб келмоқдалар.

Қардош республика миллий кадрлари асосан Тошкентдаги маърифат масканларида етишиб чиққан билан ифтихор қиламиз. Айни пайтда маданиятларимиз ўртасидаги ўзаро айирбошлаш жараёналари ҳар бир халқнинг маданий хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бутунги кунда ўзбек композиторининг баъет асарни қирғиз режиссёри талқинида Москвада, мўътабар санъат қошоналарида талабчан мухлислар муҳокамасида талқин этилмоқда. Шу ўрнида қирғиз тилида биринчи марта нашр этилган миллий газета — «Эркин тоғ» 1924 йил 7 ноябрь кунин Тошкентда босилиб чиққанлиги ҳам чучуқ рамзий маънога эгадир.

Бир пайтлари музика фақат халқ озаки айтганларини тараққий этган бўлиб, оқинлар ва кўмузчилар ижросида халқ хужинга ҳавола этилган бўлса, эндиликда тоқ маънодаги қирғиз музика санъати шаклланиб, камол топти. А. Молдибоев, М. Абдраев, А. Тулеев, А. Омонбоев, С. Кийизбоев, К. Чодоров, М. Мустаева, М. Махмутова, А. Жумахматов, Қ. Молдабасанов ва бошқалар қирғиз опера санъатининг таниқли намоёндалари сифатида машҳурдирлар.

Маъмулан социалистик, шаклан миллий адабиётларимиз совет векелигининг чинакам меваси сифатида камол топти. Бутунги кунда халқ бадийи маданиятининг Аали Тўқомбоев, Чингиз Айтматов сингари улкан сўз усталарининг асарларисиз тасаввур этиб бўлмайдими. Чингиз Айтматов ижодида инсон характери, миллий маданият илдизлари, замондошимиз образи шу қадар маҳорат билан тасвирланганки, буни ҳатто ҳоржий элардаги ғанимларимиз ҳам тан олмасликлари мумкин эмас. Унинг асарлари мамлакатимизнинг деярли барча қардош халқлари тилларига, жаҳондаги 80 мамлакат тилига таржима қилингандир.

«Совет Қирғизистони» — кўп миллатли республика, ахил интернационал коллектив, — деган эди уртоқ К. У. Черненко республика пойтахтига Меҳнат Қизил Байроқ ордени тошйирлишига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида. — Унинг бутун тарихида мамлакатимиз халқларининг ўзаро қардошларча ердами намоён бўлмоқда. Совет республикалари Қирғизистонда социалистик ўзгаришларни амалга оширишда ёрдамлашдилар... Совет халқларининг ленинча дўстлиги — ғалабаларимизнинг битмас-туганмас манбаи, коммунистик жамият қуриш учун курашнинг қудратли тезлаткичидир».

Шонли байрамнинг муборак бўлиши қондошимиз, жондошимиз, елкадошимиз, Совет Қирғизистони! Коммунистик қурилиш йўлида янгидан янги зафарлар ҳаминча сенга ёр бўлаверсин!

БИЗ — ХАЛҚАРОЧИЛАР, ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРИМИЗ. БИЗ, ДУНЕДАГИ БАРЧА МИЛЛАТЛАРИНИНГ ИШЧИ ВА ДЕҲҚОНЛАРИНИ... МУСТАҲКАМ ҚИЛИБ БИРЛАШТИРИШГА ВА ТАМОМАН ҚУШИШГА ИНТИЛАМИЗ... БИЗ МИЛЛАТЛАРИНИНГ ИХТИРИЯ ИТТИФОҚИНИ, — МУТЛАҚО ТУЛА ИШОНЧГА, ҚАРДОШЛАРЧА БИРЛИКНИ ОЧИҚ ВА РАВШАН ТУШУНИБ ОЛИШГА, ТУЛА ИХТИРИЯЛИК АСОСИДАГИ КЕЛИШУВГА АСОСЛАНГАН ИТТИФОҚНИ ИСТАЙМИЗ.

В. И. ЛЕНИН

Темиркул УМЕТАЛИЕВ, Қирғизистон ССР халқ шомири.

## РОССИЯНИ СЕВАМАН НЕЧУН

Россияни севаман нима учун!  
Чин қабдан мактайман уни мен нечун!  
Бизни саклаб қолди оғир кунларда,  
Эркин, бахтли қилди, бағримиз бутун.

Эҳсонга чўзмасин дея қўлини,  
Тоғ қилди халқларнинг ўсиш кўлини.  
Йўлчи юлдаз бўлиб барча элларга  
Кўрсатди ҳаётнинг тўғри йўлини.

Нечун Россияни севгум умрбод!  
Россия туғайли орзулар куюшод.  
Мисован севмай яшаб бўлурми!  
Умиддор яшайдан ундан одамзод.

Елгон сўзлаганга боқмаган эл бу,  
Елгончига эшигини очмаган эл бу,  
Эрк учун курашга қорлар Россия,  
Эрк учун курашдан қочмаган эл бу.

Яхшига ҳар доим очади кучоқ,  
Унда бахт кўйини кўраб кўнгли оқ.  
Ерларни чеки йўл, бепоён дийёр,  
У барча халқларга содиқ дўст, ўртоқ.  
Қирғизчадан Т. СОЛИЕВ таржимаси.

Қирғизистон пойтахти йилдан йилга обод ва кўркем бўлиб бормоқда. Суратда: Фрунзе шаҳрининг жанубий дарвозаси — янги микрорайоннинг умумий кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.



## МАТВУОТ МАРКАЗИ

хабар қўлағи

Республикаимиз пахтазорларида йилги-терим жадал олиб борилмоқда. 9 октябрь эрталабига қадар уйилган «оқ олтин» хирмони 2735536 тоннадан ошиб кетди. Ўтган кунни далалардан 48952 тонна дурдона териб олинди.

Қадри пахтакорлар! Йилги-терим суръатини оширайлик, табиат ноқулайлиқларини зарбдор меҳнатимиз, юксак ушшоқлик ва қатъий интизом билан баргараф этиб, ушан «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга барақали ҳисса қўлайлик.

### МЕХАНИЗАТОРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Избоскан райондаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механизатори Мадамин Умаров социалистик мажбуриятини бажарди. Унинг шу кунгача уйган хирмони 903 тоннадан ошди. Пешқаддам дала гвардиясичи мавсум охиригача яна 30 тонна пахта теришга аҳд қилди.

### ҒАЛАБА МУВОРАК

Ўрта Чирчиқ райондаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар. Давлатга 3500 тонна «оқ олтин» сотилиб, йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Шокир Турдиев, Набижон Фозилов,

### ЗАФАР САТРАЛРИ

Яккабоғ райондаги Маҳтумқули номли совхознинг Ҳасан Маҳмудов бошлиқ бригадаси йиллик планини ба-

жарди. 65 гектар қўриқ эрининг ҳар гектаридан 20 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига 130 тонна сифатли хом ашё тоширилди. Ҳосилнинг ҳаммаси агрегатлар бунеридан тўқилди. Пахтакорлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ҳосилдорликни 35 центнерга етказишни кўзлашмоқда.

\*\*\*

Хатирчи райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг Зиёдулла Хайриев бошлиқ бригадаси азаматлари йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. 60 гектар эрининг ҳар гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Дали хирмон 222 тоннага ташкил этди. Бригаданинг пешқаддам механизатори Исмомил Шназаров ўтган кунин ўз агрегати бунеридан 12 тонна пахта тўқиди. Мавсум бошидан бери унинг терган пахтаси 100 тоннадан ошиб кетди.

### ҲОСИЛ ВАХТАСИДА

НУҚУЛ БИРИНЧИ СОРТ БИЛАН

## „ОҚ ОЛТИН“ хирмоница

Республика областларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида шу йил 9 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бун; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан бун

Фарғона	1,13	66,00	0,38	11,44
Тошкент	0,12	63,02	0,10	54,84
Андижон	0,92	59,25	0,56	23,31
Наманган	0,94	56,00	0,77	25,30
Сурхондарё	0,74	51,97	0,69	36,69
Хоразм	2,23	44,71	1,01	10,74
Бухоро	1,00	42,31	0,11	5,25
Самарқанд	0,40	40,56	0,14	10,86
Сирдарё	0,36	34,86	0,34	30,32
Навоий	0,86	34,57	0,25	5,13
ҚАССР	2,10	31,21	1,68	14,74
Жиззах	0,10	30,88	0,08	30,42
Қашқадарё	0,11	27,38	0,04	5,21
Республика бўйича:	0,82	45,86	0,45	21,22
Шу жумладан илгичга тоғали пахта:				
Сурхондарё	1,10	59,22	1,42	60,08
Наманган	0,66	52,26	—	—
Навоий	1,11	33,57	—	—
Бухоро	1,07	31,09	—	—
Қашқадарё	0,14	22,85	0,08	2,63
Республика бўйича:	0,79	45,32	0,77	32,25

### ОЛДИНДА — ЯНГИ МАРРА

Пахтакор райондаги Ульянов номли совхоздан Холбуев Рустамова бошлиқ бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига туриб муваффақиятга эришди. Бригада давлатга 384 тонна пахта топшириб, пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. «Оқ олтин»нинг ҳаммаси терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олинди.

Х. Рустамова бошлиқ бригада мавсум охиригача давлатга яна икки юз тонна пахта топширишни белгилди. [ЎТАГ].



Қирғизистон ССР ва Қирғизистон Коммунистик партияси ташкил этилганига 60 йил тўлди

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Қирғизистон ССР ва Қирғизистон Коммунистик партиясининг 60 йиллиги юбилейи шарафига мусобақада бригадамиз коллективни яхши ютуқларини қўлга киритмоқда. Қуни...

Бригадамиз бу йил 20 гектар ерга чигит эканмиз. Ўза вегетацияси даврида сув таъминоти қарамай, барча агротехника тадбирларини талаблар даражасида амалга оширилганимиз тўғрисида...

ГЎЗАЛ ҚИШЛОҒИМ МЕНИНГ

Балки эшитгандирсиз! Сирдарё районидagi Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Ленинград» колхозини. Худди шу жойдан бўламан...

Бундан ўн йил муқаддам колхозимиз бағрида янги экспериментал посёлка қурилиши бошланди. Хўжалигимиз территорияси бирдангина янгилик шаклига ўзгаришга учирди...

Колхозимизнинг тўртта янги «Кўш», «Пахтакор», «Боғоро», «Ульянов» участкалари бор. Уларнинг бариси тўзгал, бариси чиройли...

Мана, орадан ўн йил вақт ўтди. Ана шу давр мога байнида колхозимизда янги замон қишлоғи асос этилиши руҳида қишлоқ бопи этилиши қилинаётган барча ишларнинг бирма-бир санаб чиқиши қийин, албатта...

Т. АҚМАТОВ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, «Партия XXII съезди» совхоз баш қўпоми.

Тўғр район. Қирғизистон — тоғлар ўлкаси. ТАСС фотохроникаси.

Бизлар тоғда ва водийлардаги тоғ оралиғида яшаймиш... Бизларнинг катта дунё билан боғловчи йўл жуда узоқ вақтдан кейин бунёд этилди. Шу аср 20-йилларнинг иккинчи ярмидагина Қирғизистонга Турксибдан Пишпак шаҳрига...

Бугунги кунда республиканинг гуриллаб ривожланиётган индустрияси — бу энг аввало машинасозлик, металлургия, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш энгил ва озик-овқат саноати, халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларидир...

Бизлар тоғда ва водийлардаги тоғ оралиғида яшаймиш... Қирғизистон алоҳида орол бўлмай, балки Советлар халқи улуг ҳамдўстлигининг ажралмас қисмидир. Унинг бахтли қисмати айни мана шундадир...

Чинакам интернационализмнинг самарадорлигини тасдиқловчи фактлар ҳам кўп. Интернационализм — бу, энг аввало, голий бирлик, Николай Тихонов шoirнинг ички қўёши деб атаган дунёқараш асосида ўзаро ёрдам, биргаликдаги ўзаро ҳаракат ётади...

Қирғизистон — тоғлар мамлакати. Инсон илгари энг юксак чўққидан ўзини қуриша олган табиатини қуриши мумкин эди. Бугунги кунда эса у бутун дунёни қуриб турибди. Чунки у ўзи турган ва атроғида назар ташлаётган чўққи — совет халқи руҳи ва мардлиги чўққисидир...

Бизлар тоғда ва водийлардаги тоғ оралиғида яшаймиш... «Ватанимнинг тақдирини». Қандай юрак бу сўзлардан тўққиланмайди, қандай қалб ўз халқини юзага келтирган жоножон дўрига фарзандлик меҳрини ва садоқат туйғусини билан тўлиб-тошмайди...

Бизлар гўё яқиндагина Қирғизистоннинг СССР севтавида давлат бўлиб ташкил топганининг ярим асрлик юбилейини умумхалқ миёсида нишонлаган эдик. Мана энди эса ўлкаимизда яшовчи халқларнинг ёрқин байрами — республиканинг олтинчи йиллиги ҳам яқинлашиб қолди...

Олтинчи йил мобайнида тоғдаги дарёлардан кўп сувлар оқиб ўтди. Осмонлар довоилар ортда кўп қуилар ўтди. Турмушда анчагина ўзгаришлар рўй берди. Бизларнинг қачонлардир турма бўлиб қирғиз халқини ташқи дунёдан асрлар бўйи айкалаб қўйган саховатли манзил-гоҳимиз — тоғлар рўй берган мана шу воқеаларнинг унсиз гувоҳлари эдик...


Бугунги кунда бизлар мана шу тоғларга бошқача кўз билан — нурга тўлиқ, ўз қадр-қиммати-миани англаган ва бахтиёр кўзлар билан назар ташлаймиш. Андоқларимизнинг кўлаб авлодлари мана шу тоғларда бекиз яшамаган, — мен мана шу нурли чўққиларга боқар эканман, мана шу нарса хаёлимдан ўтади...

Бизлар инсониятни яхши келажакка олиб борувчи йўллари излаб Россия билан бирлашдик, у билан буюк ва машаққатли тақдирни баҳам кўрдик, Ленин гоъларидан ва қардошлик кучидан баҳраманд бўлиб янги дунёга чиқдик...

Бизлар тоғда ва водийлардаги тоғ оралиғида яшаймиш... Қудимий шеърини ривоятларда тоғли қирғизлар «сўзининг бошида бутуллар билан қўшни бўлган», дарёларнинг юқори қисмида яшовчи қишлоқ сифатида тасвирланган. Балки шунинг учун ҳам биз дарёлар ва шарнақларга алоҳида эҳтирос сезамиз ва уларда табиат гўзаллигини, ҳаракати ва кучини кўриб, унга қойил қоламиз. Дарёлар ва шарнақлар шундай қувватга эгаки, улар Қирғизистонни гидроэнергетика ресурслари жиҳатидан мамлакатда РСФСР ва Тожикистондан кейин учинчи ўринга олиб чиқмоқда...

Аскар МУХТОР, Ўзбекистон ССР халқ эшқибоси.


ТОҒЛАР ЎЛКАСИ



ОЛТИН НУРЛАРИНГДА ТЕБРАТ ДУНЁНИ

Помир чўққисидан менинг ҳар куним Орол кўзгусига боқади. Яйловларда яшил ўт тўққини Уфдан уфққа оқади. Август яна ўтди излаб соялар, Мева юлаб аравасига. Ҳасратни шивирлар жўхориюлар Салқин сўмбўланнинг шабадасига. Тиксада машқ қилар тўғга боласи. Илк фаслнга ясаб тўзоса. Шу ерлик, шу ерда очган онаси, Гўё истар: ички метеор каби Шу қирларда ёниб, куласа!

Мангуликнинг пок товушлари: Кимларнингдир бахтдан йиғлаб, ёҳуд Кўвониб қовушгани... Бу менинг ўйларим. Менинг дил парчам. Ўйлар тугилди аввало дилда. Биз турли тилларда гаплашамиз гарчан. Ўйлашимиз — бир тилда. Азалдан орзу ва ўйларимиз тенгсиз; Жавобсиз қолсада саволларимиз, Алломишдай жасур, Манасдай чексиз, Воседай мард бўлган хаёларимиз. Орзулар тўғайли енгилган ғам-ситам, Қурмаган кўнгил боғимиз. Аммо сизмагандир орзуларга ҳам Ўз Гербимиз, ўз Байроғимиз. Бизнинг тақдир аввал ёзда барг Фақат Ленин хаёлариде. Биз илк сафда эдик юз тутганда Шарқ Россиянинг қайноқ шамолларига. Бу қадим тупроққа босди бахт муҳрин Фрунзе тўлпорининг тақиси. Шунда ўтган бобом, шунда безар умрин Неварларимнинг бола-чақаси. Аср дарди билан толиқади юрак, Юз йил яшаш эмас ниёти. Менга яна миллард йиллар керак, Шунда менинг абадиятим. Балқисин инсоннинг идрок айёми, Ҳаёт деб аталган мўъжиза — ноёб. Олтин нурларда тебрат дунёни Олтин йил тепада кезган, Офтоб! Ўйлаб, юзлаб тилда, майли, сўйлашим, Ўйимиз — бир тилда. Бу тил ягона. Шу тилда ҳаммаша яқдил бўлайлик, Журъатли орзулар қилсин тантана!



ОЛАТОВ СУРЛАРИ

Қўйчилик — Қирғизистон экономикасининг етакчи тармоғи. Қўй боши соғи жиҳатидан у РСФСР ва Қозоғистондан кейин мамлакатимизда учинчи ўринда туради. Миллион-миллион бош қўйи Бунди қўйчилик яхши таъсир қилмас керак. Мана, мен чўпоман, ўғлим ва набираларим ҳам чўпои. Ҳар бири 600—800 бош қўйдан иборат отарлар тоғли республикамизнинг кенг адирилари, дарё соҳиллари ва янги тепалиқлари бўйлаб ёйилиб юради. Минглаб чўпонларимиз йилга икки марта от эгарлаб, уларни яйловларга ҳайдайдилар. Баҳорда ранг-ранг сўр терилар — тўл олиш маъсумининг тамомлаб, қўлкамининг шифобахш қўёш нурларини остида сурувларини яна яйловларга чиқаради. Бундан уларнинг мақсади: чўққилар ва қоялар бағрида тўйиб-тўйиб ўтлаган қўй-қўзилари этига эт қўшиб, тилларанг жунини кўпроқ ўстиришдир. Водийларда баҳор охирида боғланиб кетган. Мана, рақамларга эътибор беринг: Келажакда қўйлар соғи 12 миллион бошга етказилади. Бунинг учун бизда ҳамма шароит бор. Ҳозирнинг ўзарида 30 га яқин хўжалиқларда йирик комплекслар, 650 дан зиёд юксак механизацияланган фермалар ишлаб турибди. Ҳали уларнинг сонини янада оширишни кўзда тутганимиз. Ватанга тилларанг Олатов сурлари етакчи беришда серкўёш Ўзбекистоннинг Томди, Нурота, Деҳқонobod районлари ва Қорақалпоғистоннинг қўйлаб совхозлари чорвадорлар билан тажриба алмашиб турамин.

Т. АҚМАТОВ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, «Партия XXII съезди» совхоз баш қўпоми. Тўғр район. Қирғизистон — тоғлар ўлкаси. ТАСС фотохроникаси.

Ўзбекистон: РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон саноати тараққиёти учун биринчи беш йилликдаёқ 33 миллион сўм давлат маблағи ажратилди. ● Улуу Ватан урушигача бўлган ўн уч йил мобайнида 500 дан зиёд йирик саноат корхоналари ишлаб турарди. ● Республикани индустриалаштириш билан бирга ишчилар синфи ҳам тўхтовсиз ўсиб борди. 1940 йилда Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалиғида 756 миңдан кўпроқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилди. Уларнинг муайян қисми тўб миллат вакиллари эди. ● Совет ҳокимияти йилларида республика саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми, 1924 йилга нисбатан қарийб 200 баравар ўсди. Ени ҳозир республика корхоналарида атғи икки хун ичидаяқ Ўзбекистон ССР ташкил топган — 1924 йилда ишлаб чиқарилганидан бирмунча кўпроқ маҳсулот тайёрланмоқда. ● Республикада вузудга келган катта химия, машинасозлик, энергетика, электротехника, рангли металлургия, кўмир, газ, энгил, озик-овқат ва саноатнинг бошқа етакчи тармоқлари тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ҳозир бу тармоқларда 1500 дан зиёд йирик замонавий саноат корхоналари муваффақиятли ишлаб турибди. Улар орасида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», Тошкент трактор, Чирчиқ машинасозлик заводлари, Бекобод металлургия, Навоий химия, Олмалик кон-металлургия комбинатлари сингари гигант корхоналар бор. ● 1924 — 1926 йилларда қуриб ишга туширилган Бўзсув гидроэлектростанцияси республиканинг тўнчи нурxonаси бўлиб, унинг дастлабки икки гидроагрегати қуввати 2 миң киловаттга тенг эди. Орадан 60 йил ўтиб, республика энергетикаси бекиёс ўсди. Жумладан, биргина ўтган йили Ўзбекистон нурxonаларида 41,4 миллилард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди. Бу — республика аҳолиси жон бошга 2,5 миң киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси тўғри келади, демакдир. ● Газ саноати ривожини Ўзбекистоннинг фахри бўлиб қолди. Айниқса, урушдан кейинги йилларда республикада жуда катта ер ости табиий газ манбалари ишга туширилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда табиий газ қазиб чиқариш 1960 йилга нисбатан 81 баравар кўп ўсди. Бошқача айтганда, йилга бир неча миллиард кубометр «зағири олов» қазиб олинляпти. Қўнча ва навирон Бўзоро республикани газ қуварлари орқали Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Урал, Ленинград ва Ватанимиз пойтахти — Москва билан тўлаштириб турибди. ● Ҳозир республика саноатида 300 га яқин комплекс механизацияланган ва автоматлашган корхоналар, 5 миңдан зиёд механизацияланган ва автоматлашган поток линиялар, участкалар, цехлар юксак умум билан ишлаб турибди. ● Совет ҳокимияти йилларида республикада индустрия гигантлари билан бирга йирик саноат ва маданият марказлари бўлган бир қатор янги замонавий шаҳарлар қад кўтарди. Чирчиқ, Бекобод, Ангрэн, Олмалик, Навоий, Зарафшон, Гулистон, Ширин, Денов, Қувасой, Янгиер, Янгиўй, Чимбой, Ташкент, Нукус, Хўжайли, Беруний, Қўнғирот, Ургач, Ульянов, Гагарин, Ленински ва бошқа юзлаб шаҳарлар шулар жумласидандир.

Татьяна Фёдоровна Атяшкина — Стрельникова номида давлат наслчилик заводининг илгор сўт соғувчиси, Оламетин район партия комитетининг аъзоси, КПСС XXVI съезди делегати, СССР Олий Совети депутати. У ўзи ишлайдиган хўжаликда меҳнатқошлиги, кўпгина ташаббуслари, ёшларнинг мураббийси сифатида эътибор қозонган. Соғиб олинандиган сўт миқдорини ўртача 6285 килограммга етказмоқда. Суратда: Т. Ф. Атяшкина хўжаликнинг меҳнат ветеранлари даврасида. ТАСС фотохроникаси.



Яхши дам—меҳнатга ҳамдам

Бизнинг Иссиқкўл

Иссиқкўл соҳилидаги «Қирғиз кўли» дам олиш уйига келаятган меҳмонлар соғи янада ошди. Саломатлигини яхшилаш истағида булганларини янги, 360 ўринли қўлай бино ўзига қорлади. Маҳаллий манбалардан чиқадиган минерал сувлар ва шифобахш балчиқ, жанубнинг саҳий қўёши ва соф тоғ ҳавоси одаддаги даволаш воситаларини янада тўлдирди. Иссиқкўл соҳилларини табиий шифобахш масан ден беизз аташмайди. Қўла музликларнинг суви оқиб тушади, тоғ чўққилари эса унинг ўзанини жанубнинг жазирамаси ва шимолнинг аёзларидан ҳимоя қилиб, юмшоқ деңгиз иклимини вузудга келтиради. Бу ерда 16 хил минерал ва термал сув манбалари очилган. Қўлнинг суви ҳам шифобахшдир: унинг ҳар литрида киши организм учун фойдали 6 грамм туз бор. Иссиқкўл соҳилида 200 га яқин соғломлаштириш муассасаси жойланган. Йил давомида бу ерда 250 миңдан зиёд киши ўз отпускарларини ўтказадилар. Қўл қирғоғида Ўрта Осиё республикаларининг, хусусан, Ўзбекистон саноат корхоналарининг кўлаб дам олиш уйлари ва пансионатлари мавжуд бўлиб, ишчилар бу ерда табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиб, мусоффо тоғ ҳавосидан сийририб, ўз корхоналарини яхши кайфият билан қайтадилар. Аммо, Иссиқкўл меҳмонларини фақат даволаш муассасалари билангина эмас, балки туристлик ҳамда экскурсия маршрутлари билан ҳам жалб этади. Республика туризм ва экскурсиялар совети ходимлари Иссиқкўл бўйларда 50 га яқин туристик маршрутлар ташкил этган. Туристлар тоғ ўлкасининг энг кўркам жойлари — Жети Ўғуз, Олсув, Семёновка, Иссиқкўл дараларини кўздан кечиридилар. Барқилу шароитларнинг юксак тоғ чўққиларидан олиниб ташлаётган энгил сувларидан хайратга келтирилди. Дарди барча туристик маршрутлар буюк рух сайёҳи, Марказий Тянь-Шань табиатининг биринчи тадқиқотчиси Н. М. Пржевальский музейига тутатиш кетади. Т. РОМАНОВА.

